

№ S/4 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в.б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибраимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сейтов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал:  
[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*

1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ  
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ  
БОШЛАНИШИ ..... 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*

ИККИНЧИ ҲАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ  
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*

ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ..... 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*

O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS  
OBJEKTLARINING O'RNI ..... 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*

А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ  
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ..... 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*

FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ..... 52-58

*Фарманова Гульнора Комилевна*

ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА  
АФРАСИАБЕ ..... 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*

DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN  
OASIS IN B.N. KARMISHEVA RESEARCH ..... 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*

ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР ..... 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
ТАВСИФИ ..... 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*

БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ..... 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ..... 96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*

ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI .....	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbonov Ma'murjon G'ayrat o'g'li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARNI YO'NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
 БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
 ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
 SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
 ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
 ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*  
 QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
 FUNKSIYALARI ..... 246-250

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
 МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
 ЎРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
 IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
 TECHNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
 TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
 MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
 UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
 MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitara Safarovna*  
 MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
 XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*  
 ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
 ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
 O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
 BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*  
 XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
 ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
 ТАСНИФИ ..... 298-304



<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i> ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO’NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i> TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO’LLANILISHI .....	319-325
<i>Асадова Дилбархон</i> ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ .....	326-342
<i>Khusanov Eldor Davlat o’g’li</i> BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Утемурастов Махмут Ажимурастович</i> ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
<i>Шымбергенова Улзада</i> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
<i>Мирзаев Шухрат Шавкатович</i> КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i> “ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” .....	383-392
<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Farrux Axmedov</i> XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
<i>Музафарова Саодат Хайдаровна</i> ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415



<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ .....	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI .....	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOIYILLARI .....	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI .....	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI .....	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР .....	472-476

*07.00.00-Тарих фанлари*

**Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат  
Университети 1-босқич таянч докторанти

E-mail: [sharofatjiyanbekova@gmail.com](mailto:sharofatjiyanbekova@gmail.com)

Orcid: 0000-0003-2219-2990

### **А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада А.С. Пушкин номидаги Самарқанд вилояти кутубхонаси тарихи баён қилинади. Хусусан ташкил қилинган кутубхона, унда китоб фондларининг шаклланиши, нодир китобларнинг сақланиши, фаолият олиб борган машҳур библиограф ва ходимлар фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, мустамлакачилик даврида кутубхонанинг қурилиш ишлари ва шаклланиши, фундаментал кутубхонага айланиши, уруш йилларида илмий ходимлар учун алоҳида ўқув зали очилиши, китоб фондларининг ортиб бориши, вилоятда илмий салоҳиятнинг ривожланиши, каталогларнинг яратилиши, раҳбар ва ходимлар ҳақида маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** китоб, кутубхона, китобхон, библиография, кутубхона каталоги.

**Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна**

Самаркандский государственный университет  
имени Шарофа Рашидова докторант 1- курса

E-mail: [sharofatjiyanbekova@gmail.com](mailto:sharofatjiyanbekova@gmail.com)

Orcid: 0000-0003-2219-2990

### **ИСТОРИЯ ОРГАНИЗАЦИИ И СТАНОВЛЕНИЯ БИБЛИОТЕЧНОГО ЦЕНТРА САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ИМ. А.С. ПУШКИНА**

**Аннотация.** В данной статье описывается история Самаркандской областной библиотеки имени А.С. Пушкина. Проанализированы специально организованная библиотека, формирование книжных фондов, сохранность редких книг, деятельность известных библиографов и сотрудников. Также строительство и становление библиотеки в колониальный период, преобразование ее в фундаментальную библиотеку, открытие в годы войны отдельного учебного зала для профессорско-преподавательского состава, увеличение книжных фондов, развитие научного потенциала в региона, создание каталогов, а также дана информация о руководителях и сотрудниках.

**Ключевые слова:** книга, библиотека, читатель, библиография, библиотечный каталог.

**Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna**

Samarkand State University named  
after Sharof Rashidov, 1st year PhD student

E-mail: [sharofatjiyanbekova@gmail.com](mailto:sharofatjiyanbekova@gmail.com)

Orcid: 0000-0003-2219-2990

### **HISTORY OF THE ORGANIZATION AND FORMATION OF A.S. PUSHKIN LIBRARY CENTER OF SAMARKAND REGION**

**Abstract.** This article describes the history of the Samarkand Regional Library named after A.S. Pushkin. A specially organized library, the formation of book collections, the preservation of rare books, the activities of famous bibliographers and employees are analyzed. Also, the construction and formation of a library in the colonial period, its transformation into a fundamental library, the opening of a separate educational hall for faculty during the war years, an increase in book funds, the development of scientific potential in the region, the creation of catalogs, and information about leaders and employees is given.

**Keywords:** book, library, reader, bibliography, library catalog.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N05>

**Кириш.** Янги Ўзбекистонда таълим сифатини янада оширишнинг энг асосий йўли китоб мутолаасини ёшларимиз ўртасида янада кенгроқ тарғиб қилишдан иборатдир. Бугунги кунда юртимизда китобхонлик, кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, замонавий воситалар ва илғор техникалар билан жиҳозлаш борасида амалий ишлар амалга оширилмоқда [1]. Ёшларимизнинг ҳам кутубхоналарга, китобларга бўлган меҳри ва муносабати сезиларли равишда ошган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 21 феврал куни Туркиядаги «Халқ кутубхонаси» очилишида иштирок этди ва ноёб китобларни туҳфа қилди ва ўз нутқида: “Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз”, – деган фикрлари ўринлидир. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган «Усмон Мусъҳафи»нинг маҳаллий хаттотлар томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавий» асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг «Касалликлар тарихи» асари қўлёзмаларининг факсимейл нусхалари, «Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари» номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган «Ўлмас кўнгул» деб номланган китобларни кутубхонага туҳфа қилди [2].

Ҳар бир халқнинг китоб ва кутубхона тарихи миллий тараққиётида маданий қиёфасини тўлиқ воқеликда очиб беришга имкон беради. Китоб ва кутубхона тарихи тушунчалари ёзув, алифбо, китоб, китобхон, таълим, кутубхона, хаттотлик, миниатюра хунармандчилиги ва бошқа қатор йўналишлар инсон фаолиятининг маҳсуллари умумлаштириш орқали ўрганади, шу орқали миллий ва минтақавий маданий тараққиётнинг манзарасини яратишда бу бебаҳо эди [3].

Дунёда инсоният томонидан яратилган иккинчи кашфиёт – китоб юзага келди ва барча билимлар соҳасида адабиётнинг мавжудлик шаклларига айланди. Тарихий тараққиёт давомида китобнинг шакл-шамойили, сифати, безатилиши, ташқи кўриниши, ишлаб чиқарилиши такомиллашиб борди. Антик даврда ўрама китоблар шаклланган бўлса, кейинчалик эраизмнинг IV асрига келиб, муқовага эга қўлёзма китоблар пайдо бўлган. XV асрга келиб эса қўлёзмаларни қўлда кўчириб ёзишдан китоб чоп этишга ўтилди. XX аср охирига келиб эса илғор мамлакатларда электрон шаклдаги китоблар юзага келди. Аммо ҳар қандай шаклда бўлмасин, китобнинг моҳияти ўзгармайди. Қўлёзма ҳолида ҳам, матбаа ҳолида ва электрон шаклда ҳам китоб ўзининг туб моҳиятини, аҳамиятини йўқотмайди, унинг ўрнини бошқа нарсга эгаллай олмайди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Китоб инсоният ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, инсоният тараққиётининг ҳамма даврларида кишиларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ривожланиш воситаси бўлиб келди. Китоб барча соҳага оид билимларни тўплаш, сақлаш усули сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, барча маълумотларнинг алмашинувида ва тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. Инсон тафаккурининг ривожланишида китоб ва ёзув доимо ҳамроҳ бўлган. Баъзи маданият ва маърифат шакллари оғзаки алоқа муносабатларига асосланган бўлса-да, ёзув пайдо бўлгандан сўнггина ҳозирги кунгача етиб келди ва воқеликка айланди.

Самарқанд вилоятидаги энг қадимги ва асосий кутубхонани Пушкин кутубхонаси деб аташади. Лекин эҳтимол, унинг тарихини, ташкил топиши, ривожланиши ва унутилмас ўтмишини ҳамма ҳам билмаса керак.

Самарқанднинг марказида жойлашган кутубхонанинг ажойиб биноси шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири ҳисобланади. Шарқ ўрта аср меъморчилигининг буюк ноёб дурдоналари оламида ўз ўрнини топган Европа архитектураси намунаси ҳисобланади. Ажойиб иншоот ўзининг безакли кўриниши билан самарқандликларни ва шаҳарнинг кўп сонли меҳмонларини ўзига жалб қилади. Шунингдек, бинонинг ташқи кўриниши айниқса бетакрор, унинг силлиқланган пишган ғишдан қурилганлиги ва катта бинонинг юқори қисми ўткир қиррали минорачаларга эга бўлиб декоратив безаклар жозибадорлигини оширган, йилнинг тўрт фаслида ҳам байрамона кўринишга эгадир.

Албатта нафақат самарқандликлар, балки илк бор бу қадимги шаҳарда меҳмон бўлганлар ўзининг 2011 йилда 100 йиллик юбилейини нишонлаган оммабоп кутубхона билан танишдир.

Унинг пайдо бўлиш тарихи ҳам архив ҳужжатларида сақланган бўлиб, ҳамма учун қизиқарли бўлиши табиийдир [4]. XIX асрнинг охириги йилларида бу ерга темир йўлни ўтказганлиги туфайли Самарқанд Туркистоннинг энг муҳим савдо-саноат марказларидан бирига айланди. Айнан шу ерга империянинг марказий шаҳарларидан ва бир қатор Европа давлатларидан Ўрта Осиёнинг кенг минтақаси учун турли хом-ашёлар етказилди. Самарқанддан эса маҳаллий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари ва хом ашёларини жўнатишган, чунки шаҳримиз ўша йиллари бў ўлканинг ташқи олам билан боғлаган ягона темир йўлнинг охириги бекатида жойлашаётган эди.

Темир йўлнинг ўтказилиши нафақат савдо, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ёрдам берди, балки маданий қурилишнинг боришига ҳам таъсир этди. Самарқандда тез орада ўқув юртлари очилди, театр гуруҳлари, мусиқа жамияти ва музей пайдо бўлди. Жамиятнинг интеллектуал эҳтиёжлари ҳам анча ошди, шу туфайли оммабоп кутубхонани яратишга бўлган эҳтиёж пайдо бўлди.

Самарқандда оммабоп кутубхонани очиш тўғрисидаги масала XIX асрнинг охирларида бир неча бор кўтарилган. Ўлкашунос ва археолог В.Вяткин, Самарқанд уездининг бошлиғи подполковник Ю.Бржезицкий ва астроном Ю.Глушановский билан бошқарилган гуруҳ унинг қурилиши ҳақида вилоят ҳарбий губернаторига мурожаат қилдилар. Уларнинг илтимослари Туркистон генерал-губернаторигача етиб борди, у ўзининг 1901 йил 9 январдаги фармойиши билан қурилишга санкция берди. Кейин эса оддий бюрократик ташвишлар бошланди – ҳар қанақа келишувлар, Тошкент ва

Самарқанднинг масъул шахсларнинг ёзишмалари, керакли воситаларни топиш ва бошқалар.

Кутубхонанинг қурилиши ўн йил давом этди, лекин бу ишлар фақатгина қоғозда олиб борилди. Фақат 1910 йилнинг ёзида Самарқанд вилояти губернатори “музей, кутубхона ва қироатхона биносини қуришга” буйруқ берди.

1910 йил 22 июнда 336-сонли буйруқ чиқди: “... Самарқандда музей, кутубхона ва қироатхона бинолари қурилишини ўлканинг бош бошлиғи махсус қўмита орқали хўжалик усули билан амалга оширишга рухсат берди... Бу вилоят ҳақида эълон қилиб, материални тайёрлашга киришишни таклиф қиламан...”.

Бино лойиҳаси муаллифи Туркистонда машҳур архитектор В.С. Гейнцельман эди, унинг раҳбарлигида иш энг дастлабки нуқтадан бошланди. XIX аср охирларида кутубхона қурилишини инженер Ижицкий-Герман лойиҳаси бўйича режалаштирилганда унга шаҳарнинг ғарбий томонидан – машҳур генерал М.Черняев шарафига номланган янги кўчадан жой ажратилган.

Ўн йиллар ўтиб, бино қурилиши бошланганда шаҳар чегаралари кенгая борди ва қад ростлаган кутубхона Самарқанд марказида қолди.

“Халқ уйи” нинг тасдиқланган лойиҳаси халқ театри зали, музей ва қироатхонали кутубхона қурилишини кўриб чиққан. Бироқ фақат биринчи навбатда - кутубхона ва қироатхона корпуси қурилди. Расман қурилиш 1911 йил охирида якунланди, бу ҳақда “Туркестанские ведомости” газетасида хабар қилган (“Шаҳримиз Черняев кўчасидаги янги, чиройли кутубхона ва музей биноси билан чирой очди”). Бу ҳақда Ўзбекистон тарихи ва маданияти Давлат музейи архивидан “1911 йил 6 декабрда Самарқанд шаҳрида Черняев ва Верешагин кўчалари бурчагида қурилган шаҳар оммабоп кутубхонаси ва ундаги қироатхонанинг очилиши тўғрисида” номли ҳужжат гувоҳлик қилади.

1911 йил 6 декабрда Самарқандда таниқли археолог В.Л.Вяткин ташаббуси билан шаҳар Оммавий кутубхонаси очилди. Кутубхонанинг дастлабки китоб фонди асосан турли ташкилотлар ва фуқаролардан ҳадя тариқасида олинган 2 минг нусхага яқин адабиётлардан иборат эди. Шаҳарни безаб турган иншоатга 26 618 рубль сарфланган, у бир қаватли тошли бино бўлиб, ўз вақтида фақат қироатхона учун мўлжалланган. Бино майдони 164 кв.метр, 390 кв.метри эса музейга ажратилган.

Бино оддий “романтик” намунага эга бўлиб, у эклектикдир [5]. Бу ажойиб иншоатнинг қурилиши бир нечта архитекторлар: М.В.Жицкий-Герман, В.С. Гейнцельман ва Г.М.Сваричевскийга тегишлидир. Улардан ташқари, кутубхона лойиҳасига баъзи тузатишларни қурилишларни бошқарган И.П.Лебедев ҳам киритган.

Ҳозир бу чиройли минорали кичик қаср каби бино Амир Темур ва Маҳмуд Қошғарий кўчалари кесишмаларини безаб турибди, унинг олд томонида “Читальня” ёзувини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, Самарқанд “Окраина” газетасининг 1893 йилги охириги тўртта сониди Ю.Якубовскийнинг “Ўлкамизда нима ва қандай ўқишади” номли аналитик мақоласи чоп этилган. Муаллиф “ ўз ичига барча рус классиклар ва чет эл адабиётининг тўла асарлар тўпламига эга 11 276 томлардан иборат 6 981 номланишни олган”. 15 та шаҳар кутубхоналарининг китоб фондларини таснифлашга мурожаат қилган. Энг бой ва кўркем кутубхона “Зобитлик тўплами” бўлди - 95 номланишда ва

1200 нусхада. Самарқанд ижтимоий тўплам кутубхонаси ундан қолишмади - унда жами 420 том мавжуд эди. Вилоят Статистика қўмитаси кутубхонаси 150 та номланишдаги 285 та томга эга эди. Самарқанднинг бошқа кутубхоналари кам миқдордаги нашрларга эга эди.

Оммабоп шаҳар кутубхонаси фондини шакллантириш ер қурилиш бошқармасидан, Санк Петербург Ботаника боғидан, Москва археологик жамиятидан, Статистика қўмитасидан, археолог В.А. Вяткиндан, китоб сотувчи И.Ф. Косцовдан ва бошқалардан хайр-эҳсон ёрдамида амалга оширилган эди.

Кутубхонанинг биринчи директори В.А. Андреев томонидан барча китобларга каталог тузилган, у икки қисмдан иборат эди. Биринчисида соҳага оид китоблар таснифи жойлашган. Иккинчи қисмда турли муаллифларнинг бадиий адабиётларнинг таснифи киритилган.

Кутубхонада махсус илоҳият бўлими мавжуд бўлган ва китоб жовонларига Амритеатрон асарлари, М.Арцыбашев, А.Вербицкая, Ф.Батюшков романлари жойлаштирилган. Дастлабки китоб фонди 2000 нашрни ташкил этган.

Мақолада тадқиқ этилаётган мавзуни ўрганишда тарихий манбалар, архив маълумотлари ва илмий адабиётларга таянилди. Манбалардаги маълумотларни мантикий жиҳатдан боғлаш жараёнида қиёсий таҳлил услубидан фойдаланилди.

**Муҳокама.** Кутубхона фаолиятининг дастлабки даврида унинг хизматларидан 200—300 киши фойдаланган бўлса, 40-йилларда кутубхона аъзолари сони 3 800 кишига етди, 50 - йилларда эса, 6 минг кишидан ошиб кетди.

Кутубхона ўша даврларда воситалардан жуда қийналган эди. Масалан, қиймати 210 рубль бўлган каталог нашрини тўплашга маблағ топилмаган. Шу сабабли назорат қилувчи қўмита вилоят губернаторидан бундай суммани беришни илтимос қилиб сўраган.

Ўрганилаётган даврда зиё маскани ходимлари ва иш фаолиятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиз. Кутубхона штати кутубхона мудир, кутубхоначи, қоравул ва фаррошдан иборат эди. Шундай қилиб, штатларни таъминлашга ва жиҳозларга йилига 1 714 рубль сарфланган.

Штат бирликларидан ташқари, кутубхонада назорат қилувчи қўмита таъсис этилган бўлиб, унинг вазифалари қуйидагилар эди:

- янги китоблар, журналлар, газеталарни чиқаришга кетадиган ҳаражатлар системасини тузиш, китобларни тиклаш, яроқсиз китобларни фойдаланишдан чиқариш;
- маблағларнинг ишлатилишини ревизия қилиш;
- шикоятларни кўриб чиқиш (махсус китоб бўйича).

Самарқанд шаҳар кутубхонаси ўз фаолиятини мана шундай улкан ишлар билан бошлаган.

1916 йил 16 майдаги “ Туркестанский курьер” газетасида нашр этилган Диксоннинг “Темур пойтахтида” мақоласида Самарқанд шаҳри ҳаётининг баъзи томонларини таснифлашдан ташқари, шаҳар оммабоп кутубхонаси ҳақидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган. Унинг айтишича, Самарқандда 50 минг аҳоли бўлган. 1915 йилда кутубхонага йил давомида 373 минг киши аъзо бўлган, қироатхонага 7 216 киши

ташриф буюрган. Кутубхона фондининг бойишига маҳаллий аҳоли ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб, хайр-эҳсон ишлари олиб борилган.

1917 йилдан кейин Самарқанд шаҳар оммабоп кутубхонаси ўлка Халқ таълими бўлимига қарашли марказий кутубхона деб аталди, 1920 йилдан фундаментал кутубхона, 1927 йилдан Республиканинг халқ маориф қўмитаси ихтиёрига ўтди ва давлат кутубхонаси деб аталади.

1937 йилда рус шоири А.С. Пушкин вафотининг 100 йиллиги ва кутубхона ташкил топганига 25 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қарори билан кутубхонага А.С. Пушкин номли Давлат кутубхонаси номи берилди.

1920 йилгача кутубхона китоблари уйга берила бошлади, кейинчалик бу фаолият тури ёпиқ тарзда бажарилди. Китоблардан фақат ўқув залида фойдаланиш мумкин эди.

1936 йилдан бино бутунлай кутубхонага топширилди. Унда 8 та бўлим мавжуд эди:

- китобларни сақлаш бўлими;
- ўқув зали;
- абонимент бўлими;
- маълумот-библиография бўлими;
- услубият бўлими;
- бутлаш ва қайта ишлаш бўлими;
- махсус фонд бўлими;
- жорий матбуотлар ўқув зали бўлими.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кутубхона уруш даври талабларига мувофиқ ўз ишини тез ўзгартирди [6]. Шаҳарда 8 та эвокогоспиталларнинг ташкил топиши туфайли унинг фаолияти ўзгарди. Кутубхонанинг энг хурматли ходимларидан бири М.В. Драницинанинг хотираларидан тушунишимиз мумкинки, ҳар куни кутубхонага китобхонлар шунчалик кўп ташриф буюрганки, абонимент китобхонларга хизмат қилиб улгурмаган ва шу сабабли китобларни уйга бериш чекланган: биттадан ортиқ китоб қўлга берилмаган.

Уруш йилларида кутубхона фаолиятининг асосий тадбирларини бевосита госпиталларда ўтказган. Масалан: кўчма конференциялар, концерт дастурлари, бадий кечалар, матбуот нашрлар шарҳи ва ҳқ.

1941–1945 йилларда Самарқандга кўплаб олий ўқув юртлари ва академиялар эвакуация қилинган. Шу боис китобхонлар бўлмиш профессор-ўқитувчилар жамоаси илмий ходимлар учун алоҳида ўқув зали очилишини таклиф қилди. Ушбу йилларнинг ҳисобот маълумотлари бундан далолат беради. 1941 йилда китобхонлар сони икки баравар ошди ва 3 815 кишини ташкил этди. Бу даврда эса китоб бериш сони 200 минг нусхани ташкил этди.

Ишнинг қийин шароитига, маблағлар, қоғозларнинг етишмаслиги, совуқ ва яхши ёритилмаган хоналар [7], озиқ-овқатнинг етарсизлигига қарамасдан кутубхона ходимлари куч - ғайратларини аямасдан Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажаришди.

Урушдан кейинги биринчи йилларда кутубхона муҳим санани нишонлади: кутубхона ташкил этилганлигининг 35 йиллигини. Шу муносабат билан кутубхона



фаолиятига оид кўргазмалар, диаграммалар, кутубхона деворий суратлари, фотомонтажлар ташкил қилинди.

30–50-йилларда кутубхонада ўз ишининг билимдонлари, ажойиб кутубхоначилар ишлади. УзССРда хизмат кўрсатган кутубхоначилар Е.П.Барсук, Маъруфий, етакчи кутубхона ходимлари М.В.Драницына, З.И.Икромов, М.Ф.Дядик, А.Ф.Третьякова, Е.С.Батуева, Х.Бобомуродова, М.К.Маҳмудова, Ф.Мирзаев ва бошқалар.

50-йилларда кутубхона тизимининг ривожланиши ўзига хос кечди. Кутубхонааро, сиртқи абонимент бўлимлари ташкил этилди, шаҳар абонименти китобхонларга янги прогрессив хизмат кўрсатиш шаклида фаолият олиб бориш учун тайёргарликни бошлайди.

Вилоят кутубхонасининг китоб фонди ўса бошлади: 1960 йилда улар турли билим соҳалари бўйича 150 мингдан ортиқ китоблар нусхасини ташкил қилди. Эски бинода китобларга жой торлик қила бошлади. 60 - йиллар тарихий воқеалари Самарқанд учун унутилмас бўлди, чунки Афросиёб шаҳарчасидаги қазилма ишлар яқунланган эди. Тарихий ихтиролар натижасида шаҳарга асос солган санаси аниқланди. Бутун дунё жамоатчилиги шаҳарнинг 2500 йиллигига тайёргарлик кўра бошлади. Бир қатор юбилей объектлар қурилди. Ана шундай бинолардан бири 500 минг китоб нусхасига мўлжалланган вилоят кутубхонасининг янги тўрт қаватли биноси бўлди.

**Натижалар.** 1970 йилнинг баҳорида Пушкин кутубхонаси 500 минг жилд китобга мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтди. У Самарқанднинг энг чиройли масканида - Университет хиёбонида қад ростлаган эди.

Шу даврда янги ихтисослашган бир қатор ўқув заллари: чет эл адабиётлари, техник ва қишлоқ хўжалиги адабиётлари ўқув заллари, даврий нашрлар, санъатга оид адабиётлар ўқув заллари, ижтимоий фанлар ўқув зали китобхонларга хизмат кўрсата бошлади. Кейинчалик ўсмирлар бўлими, оилавий ўқиш бўлими, санъат бўлими, ўлкашунослик ўқув зали очилди.

Вилоят кутубхонасининг услубий марказ сифатидаги ўрни ва аҳамияти ҳам кучайиб борди. 70 - йилларнинг бошида вилоятда китоб фондлари 3124,7 минг бирликдан иборат 631 та кутубхона бор эди. Шу йиллар ичида вилоят кутубхоналаридан фойдаланувчилар сони 332,8 минг кишига етди, уларга жами 3456,0 минг нусха адабиётлар берилди.

1970–1980 йилларда кутубхона фонди ва китобхонлар аудиторияси жадал ўсди. Абонентлар грамёзувлар (3 мингдан ортиқ дисклар), нота нашрлари (25 мингга яқин) дан фойдаландилар. Китобхонлар хизматида 500 та номланишдаги матбуот нашрлари берилади. Китоб фонди ҳажми 700 минг томдан ортиқ ва кутубхонада жой танглик қилган.

1970–1980 йиллар вилоят кутубхоналар тармоғининг ривожланиш ва тартибга солиниш даври бўлди. Шу давр ичида давлат оммавий кутубхоналар тармоғи 220 бирликка кўпайди ва 1990 йилга келиб 850 тага етди.

XX асрнинг 80-йилларида А.С. Пушкин номли Самарқанд вилоят кутубхонаси илмий услубий ишлар бўйича Республика илғор тажриба мактабига айланди. Унинг негизида турли учрашувлар, семинарлар, конференциялар, малака ошириш курслари ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Ўша даврда кутубхона Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Эрон кутубхоналари билан алоқалар

ўрнатган. Сўнгги йилларда кутубхона таркиби ҳам ўсиб борган. Масалан, ўлкашунослик бўлими, каталоглар ва картотекалар бўлими, ҳуқуқий ахборот маркази очилди, Гёте институти кўмагида немис тилидаги адабиётлар ўқув зали, болалар адабиётлари бўлими ташкил этилди.

Вилоят кутубхонаси ҳар доим ўз ходимлари билан фахрланади. Уларнинг қўпчилиги 30 - 40 йилдан ортиқ ушбу соҳада меҳнат қилишган. Кутубхона раҳбарлигини етук мутахассислар олиб борган. 50 - йиллардан бошлаб муассаса директори лавозимида Ф.Н.Баратов, И.М.Жунаидова, Х.М.Бобомуродова, Г.М.Муқумова, Л.Т.Генкина фаолият олиб борганлар[8].

Мустақиллик йилларида ушбу зиё маскани янада ривожланди. Ана шундай шарафли ва заҳматли вазифани бажаришда, ўзининг фидокорона фаолияти билан Шаҳодат Бахриевна Аҳмедова катта ҳисса қўшган. Ушбу муқаддас даргоҳда 28 йилдан ортиқ давр мобайнида ажойиб инсон, тарихчи, ўз касбининг фидойиси, Ш.Б. Аҳмедова раҳбарлик қилган. Шаҳодат Бахриевна нафақат ушбу кутубхонани балки Самарқанд вилоятидаги барча кутубхоналар иш фаолиятини ривожлантиришга, кутубхоначиликнинг ривожига бутун ҳаётини бағишлади десак айни ҳақиқатдир. Тадқиқотимиз давомида кутубхона архивида сақланаётган ҳар бир иш фаолиятига оид ҳужжатлар, фотосуратлар, ҳар бир ходимнинг “ўз касбининг устаси эди” дея билдирган илиқ фикрлари, шахримиздаги университет кутубхона директорлари билан яхши муносабатлар олиб борганлигини эшитиб, тўғриси хавас қилдик.

Кутубхонашунослик ишининг энг жонкуяр вакиллари қаторига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Г.Н. Шамсиева, Л.Т. Генкина, Н.Ф. Ростовцеваларни фахр билан эслашимиз мумкин. Кутубхона директори ўринбосари Н.С. Огнева “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. Шунингдек, “Ўз касбининг устаси” унвони каталоглаштириш бўлими мудир М. Хаитбоевага берилган.

**Хулоса.** Туронзамин чор Россияси истило қилингандан сўнг Ватанимиз давлат - ҳуқуқий мақомида, сиёсат ва маданият соҳаларида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ишлаб чиқариш соҳасида янги капиталистик муносабатларнинг унсурлари пайдо бўла бошлади, миллий матбаачилик ривожланди, ноширлик, кутубхоначилик, китоб савдоси, библиография иши соҳаларига янгича шакллар кириб келди.[9].

Чор мустамлакачи давлатининг Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантирилиши оқибатида барча соҳани ўз давлатининг манфаати доирасида ривожлантиришга киришди. Изланишларимиз давомида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Ўрганилаётган даврда юртимизда кутубхоналар фаолияти ривожлантириб борилди.

2. Тизимли равишда ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.

3. Белгиланган Низом асосида иш фаолияти тартиблари белгилаб берилди.

4. Шунингдек, ўлкада босмахона, кутубхона ва китоб дўконлари анча кенг тармоқ отди [10].

5. Туронзамин китобат маданияти учун мутлақо янги омиллар, чунончи, миллий матбаачилик ва вақтли матбуотига асос солиниши, китоб нашрларининг миллий китобат иши учун янги турлари – дарсликлар, қўлланмалар, табиий фанлар мажмуига оид илмий-оммабоп адабиётлар, адабий-бадий нашрлар, кутубхоналарнинг янги турлари – давлат маблағи ҳисобидан фаолият кўрсатувчи умумистифода оммавий

кутубхоналари [11], янгича мазмундаги адабиётлардан тузилган усули жадид мактабларининг кутубхоналари, оврупоча ўқув юртларининг кутубхоналари, муайян соҳага оид махсус адабиётлардан иборат илмий жамиятлар кутубхоналарининг пайдо бўлишига ўз давридаги яратилган тамойиллар сабаб бўлди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 340.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи // “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газета. 2020 йил 21 февраль.
3. Kazimi P.F. Turk xalqlarinin kitab va kitابخana madaniyyatinin manbashunosligi. – Boku: “Mutarcim”, 2014. – 200 s.
4. Самарқанд вилоят давлат архиви, 1672-фонд, 2-рўйхат, 9-йиғмажилд, 2-варақ.
5. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Eklektizm>. Эклектизм, эклектика (юнунча: – танловчи) – турли хил, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қараш, ғоя, назарияларнинг «энг яхшиси»ни танлаб олишга интилиш. Дастлаб сўнгги юнун фалсафасида пайдо бўлган. Эклектизм, турли услубларнинг шакллариини тўғридан-тўғри қўллаган. XIX - аср 2 - ярми меъморчилиги (айниқса, интерьерларни безаш) учун ҳам хос бўлган, бироқ унинг меъморий ва безак эклектизми ўзининг кенг қўлами, моҳияти эътибори билан яхлит бир «модерн» услубини шаклланишига муҳим таъсир кўрсатди. XX - аср ўрталаридан эклектизм анъаналари Ғарбий Европа ва Америка бадийий маданиятида кенг тарқалди.
6. А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилояти кутубхонаси архивида сақланаётган манбалардан фойдаланилди.
7. Кўриб чиқилаётган даврда Тошкент шаҳрини электр энергияси билан ёритиш ишлари Н.К. Романов томонидан олиб борилган. 1909 йил апрель ойида у Туркистон генерал-губернаторига 150 от кучига эга бўлган янги электр станцияси қуриш, шу билан бирга амалда ишлаб турган 40 от кучига эга электростанцияни захирага қолдиришга рухсат бериш тўғрисида мурожаат қилди. Шу йили электр энергияси билан Туркистон халқ кутубхонаси 50 чироқ билан таъминланади. Бунинг учун жами 1850 дона 16 шамли чироқ лозим бўлган. Энди китобхонлар шам ёки фонус шуъласида эмас, электр чироқлари ёрдамида китоб ўқишларига имкон яратилган. *Батафсил қаранг:* Саидбобоева Г.Н. Туркистон ўлкасини электрлаштириш тарихи (XIX аср охири–XX асрнинг биринчи чораги): Тар. фан. бўй. фал. док (PhD). ...дисс.– Тошкент, 2020. – Б. 59.
8. Шаҳодат Бахриевна Аҳмедова билан 2023 йил 10 март кунги суҳбатдан олинди.
9. Охунжонов Э.О. Кутубхонашунослик, архившунослик, китобшунослик: назарияси ва тарихи. – Тошкент: “ Тафаккур-бўстони ”, 2011. – Б. 508.
10. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (XIX аср II ярми–1991 йил август). II жилд. – Тошкент, 2015. – Б. 457.
11. Библиографический указатель литературы о Самаркандской области. Вып. I. – Самарканд, 1970. – С. 428.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатида олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).